
Учта қишлоқни боғлаб турувчи кўчаларнинг асфальтланиши натijasида аҳолининг кўп йиллик муаммоси ҳал этилди

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-408-сон қарорига асосан Фурқат туманида маҳаллалар инфратузилмасини яхшилаш ишлари олиб борилди.

Жумладан, "Томоша" маҳалласига қарашли Қурултой қишлоғидан ўтган умумфойдаланишдаги автомобил йўлининг 3 км қисми, Гузар, Дўстлик, Боғубўстон кўчаларининг 5,5 кмдан зиёдроқ ички йўлларида асфальтлаш ишлари амалга оширилди.

Эътиборли томони шундаки, маҳалла аҳлининг ҳамфикрлиги натijasида орттирилган маблағлар эвазига қўшимча 600 метр асосий автомобил йўллари асфальтлаштирилди.

Учта қишлоқни боғлаб турувчи ушбу кўчаларнинг асфальтланиши натijasида аҳолининг кўп йиллик муаммоси ҳал этилди.

Бугунгача, "Томоша" маҳалла фуқаролар йиғинида "Менинг йўлим" лойиҳаси доирасида Мевазор кўчасининг 2,7 км, Шифокор, Дўстлик кўчаларининг 1 км ички йўллари асфальтланган. "Ташаббусли бюджет" лойиҳаси доирасида 1 дона трансформатор ўрнатилди. 5 та кўчаларга ичимлик суви тармоғи тортилиб, сув миноралари таъмирдан чиқарилди. Янгилари ўрнатилиши натijasида эса 353 та хонадонда яшовчи 600 нафар аҳоли тоза ичимлик суви билан таъминланди.

2023-11-18 17:48:14